# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

**2023 ЙИЛ — ИНСОНГА ЭЪТИБОР ВА СИФАТЛИ ТАЪЛИМ ЙИЛИ**

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2023 йил 26 август, № 177 (8520) Шанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ АҚШ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 25 август куни АҚШ Сенати Миллий хавфсизлик ва ҳукумат ишлари бўйича қўмитаси раиси Гэри Питерсни қабул қилди.**



Ўзбекистон билан АҚШ ўртасидаги стратегик шериклик муносабатларини янада мустаҳкамлаш ҳамда амалий ҳамкорликни, энг аввало, икки мамлакатнинг парламентлараро мулоқоти доирасида кенгайтириш масалалари кўриб чиқилди.

Ўзаро алоқалар ва алмашинувлар фаоллашгани мамнуният билан қайд этилди. Икки томонлама савдо кўрсаткичлари ўсмоқда, АҚШнинг етакчи компаниялари иштирокидаги муваффақиятли кооперация лойиҳалари кўпаймоқда. Муҳим гуманитар дастурлар амалга оширилмоқда.

Устувор йўналишларда қўшма лойиҳаларни илгари суриш мақсадида парламентлараро ҳамкорликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Минтақавий кун тартибидаги масалалар, шу жумладан, АҚШ Президенти ташаббуси билан Нью-Йорк шаҳрида БМТ Бош Ассамблеяси тадбирлари доирасида ўтказиладиган "С5+1" форматидаги биринчи саммитга тайёргарлик кўриш юзасидан фикр алмашилди.

**ЎзА.**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЎТТИЗ ИККИ ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН БИР ГУРУҲ ЧЕТ ЭЛ ИНВЕСТОРЛАРИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Давлатларимиз ўртасидаги кўп қиррали ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни ҳар томонлама ривожлантириш, дипломатик, савдо-иқтисодий, сармоявий, илмий-техникавий ва маданий-гуманитар соҳалардаги алоқаларни кенгайтиришга қўшаётган катта ҳиссаси, мамлакатимиз иқтисодиётига инвестицияларни жалб этиш, самарали инновацион лойиҳалар ва қўшма дастурларни амалга ошириш, республикамиздаги кенг қамровли ислоҳотлар ва демократик ўзгаришларни, Ўзбекистон томонидан илгари сурилаётган глобал ва минтақавий ташаббусларни фаол қўллаб-қувватлаш борасидаги алоҳида хизматлари, шунингдек, халқларимиз орасидаги дўстлик ва ҳамжиҳатлик ришталарини мустаҳкамлаш йўлидаги ибратли фаолияти учун қуйидагилар «Дўстлик» ордени билан мукофотлансин:

**Гуржий Степан Леонидович** — Россия Федерацияси «Лукойл» акциядорлик жамиятининг Марказий Осиё, Яқин Шарқ ва Шимолий Африка бўйича вице-президенти

**Мухаммад Абунайян** — Саудия Арабистони Подшоҳлиги «ACWA Power» компанияси бошқаруви раиси

**Мухаммад Жамил Ал-Рамахий** — Бирлашган Араб Амирликлари «Masdar» компанияси бош ижрочи директори

**Жемил Казанжи** — Туркия Республикаси «Aksa Energy» компанияси бошқарув кенгаши раиси

**Мехмет Женгиз** — Туркия Республикаси «Cengiz Holding» компанияси асосчиси

**Шандор Чаньи** — Венгрия Республикасининг «OTP Bank» бошқаруви раиси

**Сейфоллах Гасеми** — Америка Қўшма Штатларининг «Air Products» компанияси бошқаруви раиси

**Пэрис Муратоглу** — Франция Республикасининг «Total Eren» компанияси бошқаруви раиси

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2023 йил 25 август

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

## АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ НОМИДАГИ ЮНЕСКО – ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО МУКОФОТИНИ ТАЪСИС ЭТИШНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Жаҳон тамаддунига улкан ҳисса қўшган буюк мутафаккир ва қомусий олим Абу Райҳон Берунийнинг илмий-маърифий меросини халқаро даражада чуқур ўрганиш ва кенг тарғиб қилиш, сунъий идрок соҳасида одоб-ахлоқ, инклюзивлик ва маданий хилмахилликни рағбатлантириш, Ўзбекистон ва ЮНЕСКО ўртасидаги илмий-маданий алоқаларни янада кенгайтириш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 25 августдаги "Буюк мутафаккир ва қомусий олим Абу Райҳон Беруний таваллудининг 1050 йиллигини халқаро миқёсда кенг нишонлаш тўғрисида"ги ПҚ–361-сон қарорига мувофиқ:

1. Маданият ва санъатни ривожлантириш жамғармаси (кейинги ўринларда — Жамғарма), ЮНЕСКО ишлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий комиссияси, Ташқи ишлар вазирлиги, Фанлар академиясининг:

ЮНЕСКО билан ҳамкорликда **сунъий идрок соҳасида одоб-ахлоқни тарғиб этиш орқали илмий мулоқотни рағбатлантириш бўйича Абу Райҳон Беруний номидаги ЮНЕСКО — Ўзбекистон халқаро мукофотини** таъсис этиш;

Париж шаҳридаги (Франция) **ЮНЕСКО бош қароргоҳида 2023 йил 4 — 8 сентябрь кунлари Абу Райҳон Беруний ҳаёти ва ижодига бағишланган халқаро кўргазма ва тадбирлар**ни (кейинги ўринларда — Кўргазма) юқори савияда ўтказиш тўғрисидаги таклифлари қўллаб-қувватлансин.

2. Қуйидагилар:

ЮНЕСКО бош қароргоҳида Абу Райҳон Беруний ҳаёти ва ижодига бағишланган халқаро кўргазма ва тадбирларга тайёргарлик кўриш ҳамда уларни ўтказиш бўйича **ташкилий қўмита таркиби** 1-иловага мувофиқ;

ЮНЕСКО бош қароргоҳида Абу Райҳон Беруний ҳаёти ва ижодига бағишланган халқаро кўргазма ва тадбирларга тайёргарлик кўриш ҳамда уларни ўтказиш бўйича чора-тадбирлар режаси 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Жамғарма:

Фанлар академияси билан биргаликда Кўргазмада тақдим этиш учун дунё кутубхоналарида сақланаётган нодир қўлёзмалар нусхаларидан иборат **Кўргазмага бағишланган махсус каталогнинг** инглиз ва ўзбек тилларида чоп этилишини таъминласин;

Маданият вазирлиги билан биргаликда Кўргазма доирасида **Ўзбекистон давлат филармониясининг концерт дастури**ни юқори савияда ташкил этсин.

4. Ташқи ишлар вазирлиги Жамғарма буюртманомасига биноан, Кўргазмада иштирок этиш учун таклиф этилган Ўзбекистон делегацияси аъзолари, халқаро консультантлар ва тадбир меҳмонларининг чиқиш ҳужжатларини расмийлаштириш, шунингдек, Кўргазмани юқори савияда ўтказиш билан боғлиқ ташкилий ишларга кўмаклашсин.

5. Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта муддатда Абу Райҳон Беруний номидаги ЮНЕСКО — Ўзбекистон халқаро мукофотини таъсис этиш ҳамда Кўргазмага тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ харажатларни молиялаштириш манбаларини белгиласин, шунингдек, унинг харажатлар сметасини тасдиқласин.

Белгилансинки, Жамғарма ушбу қарор ижроси доирасида харажатларни молиялаштириш билан боғлиқ маблағлар ажратилгунига қадар ўз маблағлари ҳисобидан шартномалар тузади ва тўловларни амалга оширади, шунингдек, маблағлар ажратилгандан сўнг Жамғарма томонидан сарфланган маблағлар қоплаб берилади.

6. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ва бошқа оммавий ахборот воситаларига ушбу қарор ижроси доирасида амалга оширилаётган тадбирларни оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиш тавсия этилсин.

7. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н.Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2023 йил 25 август

## ЮНЕСКО КУТУБХОНАСИ АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙНИНГ БОЙ ИЛМИЙ МЕРОСИНИ ТАРҒИБ ҚИЛИШДА КЎМАКЛАШАДИ

*Буюк мутафаккир ва қомусий олим Абу Райҳон Беруний таваллудининг 1050 йиллигини халқаро миқёсда нишонлаш доирасида Шарқ тамаддунининг порлоқ юлдузларидан бири бўлган улуғ алломанинг 5 нусхадаги танланган асарлари ЮНЕСКО кутубхонасига совға қилинди.*

### Биз ва жаҳон



Ушбу китоблар турли йилларда чоп этилган бўлиб, ноёб манба сифатида Абу Райҳон Берунийнинг тарих, астрономия, астрология, геодезия ва бошқа фанлар бўйича яратган асосий илмий меросини қамраб олади.

Кутубхона директори Пэм Адама тақдим қилинган китоблар учун Ўзбекистон томонига чуқур миннатдорлик билдирди ҳамда бу бебаҳо асарлар тўплами ЮНЕСКО кутубхонасида ўзининг муносиб ўрнини топишини таъкидлади. "Ушбу китоблар Ўзбекистон бўйича узоқ йиллар давомида ЮНЕСКОда йиғилган маълумотлар мажмуасини янада бойитади ва Абу Райҳон Беруний улкан илмий-маънавий меросини глобал миқёсда тарғиб қилишга ўзининг ҳиссасини қўшади", деди у.

Бундан ташқари, кенгроқ аудиторияни жалб қилиш мақсадида Абу Райҳон Беруний асарлари электрон нусхасини ЮНЕСКО электрон каталоги (UNESDOC)га жойлаштириш юзасидан келишувга эришилди.

ЮНЕСКО томони зарур бўладиган қўшимча ҳужжатлар (авторлик ҳуқуқини бериш ва бошқа масалалар бўйича) рўйхатини беради ва ушбу ташаббус биргаликда ишлаб чиқилади.

Таъкидлаш жоизки, бу йил ЮНЕСКО билан ҳамкорликда Абу Райҳон Беруний таваллудининг 1050 йиллигини кенг нишонлаш ишлари олиб борилмоқда. Жумладан, жорий йил 4 сентябрь куни ташкилотнинг Париж шаҳридаги бош қароргоҳида кўргазма ва қатор маданий тадбирларни ташкил қилиш режалаштирилган.

**«Дунё» АА.**
Париж

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЎТТИЗ ИККИ ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ЮҚОРИ НАТИЖАЛАРГА ЭРИШГАН СПОРТЧИ ВА МУРАББИЙЛАРДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда спортни ривожлантириш ва кенг оммалаштириш, юртимизнинг халқаро майдондаги шон-шуҳратини юксалтиришга қўшган катта ҳиссаси, спорт соҳасига қаратилаётган эътибор ва яратилган шароитлардан самарали фойдаланган ҳолда, ўзининг азму шижоати ва юксак маҳорати билан нуфузли мусобақаларда улкан натижаларга эришиб, Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилиб келаётгани, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, ёшларимизни она юртга муҳаббат ва садоқат, миллий, умумбашарий қадриятлар руҳида етук ва баркамол этиб тарбиялаш борасидаги алоҳида хизматлари учун қуйидагилар мукофотлансин:

### «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси» фахрий унвони билан

**Махситов Баходир** — Ўзбекистон спорт ташкилотлари фахрийлари кенгаши раиси

### «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спорт устози» фахрий унвони билан

**Ғафуров Даврон Дилмурадович** — Ўзбекистон бокс федерацияси мураббийси

**Худайберганов Жамшид Исмаилович** — Урганч олимпия ва паралимпия спорт турларига тайёрлаш марказининг дзюдо бўйича мураббийси, Хоразм вилояти

**(Давоми 2-бетда).**

Сўх тумани:

## КЎҲНА ТАРИХ ВА ЗАМОНАВИЙ ТАРАҚҚИЁТНИ МУЖАССАМЛАШТИРГАН ЗАМИН



*Инсонга эътибор ва сифатли таълим йилида мамлакатимизнинг барча туман ва шаҳарлари, қишлоқ ва маҳаллаларида яратувчанлик, бунёдкорлик ишларининг ҳажми ва кўлами янада кенгайди. Бугун юртимизда тараққиётдан бегона ҳудуд йўқ. Жумладан, бу жиҳатлар илгари олис ва чекка ҳудуд деб ҳисобланган Фарғона вилоятининг Сўх туманида ҳам ўз ифодасини топмоқда...*

### Кўз ўнгимиздаги ўзгаришлар

Табиий иқлим шароитига кўра, Сўх туманини ўзига хос "кичик орол" дейиш мумкин. Фарғона вилоятининг эксклав ҳудудида жойлашган ушбу туман дилкушо табиати, пурвиқор тоғлари, тиниқ сойлари, тарихий обидалари билан машҳур. Туман аҳли эса меҳмондўстлиги, тадбиркорлиги билан танилган.

Асрлар давомида тарих сўқмоқларидан мардонавор ўтиб келаётган Сўх ва сўхликлар ҳаётида кейинги йилларда катта ўзгаришлар юз берди. Айниқса, давлатимиз раҳбарининг қатор ташаббуслари туфайли туманда кенг кўламли саъй-ҳаракатлар амалга оширилиб, аҳоли фаровонлиги, ҳудудлар ободлиги йўлида истиқболли лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилаётгани эътиборга моликдир.

Қуйида ўз бағрида кўҳна тарих сир-синоатларини авайлаб асраб, бугунги замонавий тараққиёт мезонларига мос равишда дадил қадам ташлаётган туман аҳли ҳаётидаги янгиланишлар, эртанги кун истиқболи билан боғлиқ режа-мақсадлар хусусида сўз юритилади.

➡ 3

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЎТТИЗ ИККИ ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ЮҚОРИ НАТИЖАЛАРГА ЭРИШГАН СПОРТЧИ ВА МУРАББИЙЛАРДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

**Ярашов Ергали Абубакирович** — Қибрай тумани спорт мактабининг бокс бўйича мураббийси, Тошкент вилояти

### «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спортчи» фахрий унвони билан

**Абдуллаев Руслан Анвар ўғли** — Бокс бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси

**Дўсматов Хасанбой Марфжон ўғли** — Бокс бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси

**Жалолов Баҳодир Исомиддин ўғли** — Бокс бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси

**Келдиёрова Диёра Бахтиёр қизи** — Дзюдо бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси

**Мўйдинхўжаев Асадхўжа Зоҳидхўжа ўғли** — Бокс бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси

**Туробоев Музаффарбек Тоштемир ўғли** — Дзюдо бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси

**Халоқов Абдумалик Анвар ўғли** — Бокс бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси

### «Дўстлик» ордени билан

**Ан Дмитрий Михайлович** — Тошкент шаҳридаги «Пахтакор» футбол академиясининг ёшлар жамоаси мураббийси

**Барабан Игорь Петрович** — Ўзбекистон спорт ташкилотлари фахрийлари кенгаши раисининг маслаҳатчиси

**Муминова Гёзал Баходировна** — Гимнастика бўйича республика олий спорт маҳорати мактаби директорининг ўринбосари

**Савинова Ирина Александровна** — Фарғона вилояти яккакураш спорт турларига ихтисослаштирилган спорт мактабининг камондан отиш бўйича мураббийси

### I даражали «Соғлом авлод учун» ордени билан

**Бобонов Давлат Ҳусниддин ўғли** — Дзюдо бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси

**Кондакова Мухаббат Бакиевна** — Наманган вилояти яккакураш спорт турларига ихтисослаштирилган спорт мактабининг ўқ отиш бўйича мураббийси

### II даражали «Соғлом авлод учун» ордени билан

**Азизов Улуғбек Азим ўғли** — Дзюдо бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси мураббийси

**Киямова Нелля Эсхатовна** — Спорт яккакурашлари бўйича республика олий спорт маҳорати мактабининг дзюдо бўйича мураббийси

**Қобулов Нурали Ўктамович** — Дзюдо бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси мураббийси

**Таджиев Бахадир Мухитдинович** — Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши тасарруфидаги Жисмоний тарбия ва спорт соғломлаштириш ишлари бошқармаси бошлиғи

**Тойгонбаев Зиятдинбек Курманбекович** — Андижон вилояти яккакураш спорт турларига ихтисослаштирилган спорт мактабининг бокс бўйича мураббийси

### «Соғлом турмуш» медали билан

**Абдувалиев Андрей Хакимович** — Ўзбекистон енгил атлетика федерацияси раисининг ўринбосари

**Казакова Анна Валерьевна** — Ўзбекистон Миллий паралимпия қўмитасининг енгил атлетика бўйича мураббийси

**Кун Елена** — Ўзбекистон триатлон федерацияси бош котиби

**Юсупов Нурмухаммад Турсунович** — Қоракўл туманидаги кураш тўгараги раҳбари, Бухоро вилояти

### «Келажак бунёдкори» медали билан

**Абдуллаев Аълохон Аюбхон ўғли** — Бокс бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси

**Баратов Дилшодбек Бахтиёр ўғли** — Дзюдо бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси

**Боймуродов Отабек Одилжонович** — Футбол бўйича Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси аъзоси

**Жабборова Турсуной Валижон қизи** — Оғир атлетика бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси

**Жафаров Саиджамшид Рустам ўғли** — Бокс бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси

**Жўраев Ойбек Одилбек ўғли** — Бокс бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси

**Йўлдошев Муроджон Қувондик ўғли** — Дзюдо бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси

**Мулложонов Лазизбек Ҳасанжон ўғли** — Бокс бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси

**Рахмоналиев Умарали Махамадали ўғли** — Футбол бўйича Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси аъзоси

**Файзуллаев Аббосбек Сайиджон ўғли** — Футбол бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси

**Хусанов Абдуқодир Хикматжон ўғли** — Футбол бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси

**Юсупов Алишер Халимбоевич** — Дзюдо бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси

### «Шуҳрат» медали билан

**Авезов Хамза Истамович** — Бухоро олимпия ва паралимпия спорт турларига тайёрлаш марказининг бокс бўйича мураббийси, Бухоро вилояти

**Рахимжанов Иляс Бурихановuч** — Тошкент вилояти яккакураш спорт турларига ихтисослаштирилган спорт мактабининг бокс бўйича катта мураббийси

**Собиров Махкамбек Умаржонович** — Тўрақўрғон тумани спорт мактабининг футбол бўйича мураббийси, Наманган вилояти

**Собиров Пахлавонжон Анваржонович** — Чирчиқ олимпия ва паралимпия спорт турларига тайёрлаш марказининг таэквондо бўйича мураббийси, Тошкент вилояти

**Тўйчиев Алишер Курбанович** — Фарғона вилояти яккакураш спорт турларига ихтисослаштирилган спорт мактабининг бокс бўйича мураббийси

**Турабоев Бекзод Саиткулович** — Дзюдо бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси мураббийси

**Умаров Элбек Алохиддинович** — Спорт яккакурашлари бўйича республика олий спорт маҳорати мактабининг дзюдо бўйича мураббийси

**Хасанов Акмал Йўлдошевич** — Спорт яккакурашлари бўйича республика олий спорт маҳорати мактабининг бокс бўйича мураббийси

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2023 йил 25 август

## ТОМОНЛАР ЎЗАРО ҲАМКОРЛИКНИ КЕНГАЙТИРИШГА ТАЙЁРЛИГИНИ БИЛДИРДИ

*Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева 25 август куни АҚШ Конгресси Сенати аъзоси, сенатор-демократ Гэри Питерсни қабул қилди.*

### Мулоқот

Учрашувда Ўзбекистон — АҚШ алоқалари доираси, хусусан, парламентлараро алоқаларни мустаҳкамлаш, савдо-иқтисодий, меҳнат муносабатлари, гендер тенглиги соҳаларида ҳамкорликни ривожлантириш масалалари муҳокама этилди.

Очиқ мулоқот ва ўзаро ишончга асосланган Ўзбекистон — АҚШ кўп қиррали ҳамкорлиги жадал ривожланаётгани, икки томонлама муносабатлар сиёсат, хавфсизлик, иқтисодиёт ва инсон ҳуқуқлари йўналишлари бўйича стратегик шериклик даражасига кўтарилгани урғуланди.

Икки томонлама муносабатларни ривожлантиришда парламентлараро мулоқот муҳим ўрин тутади. Шу нуқтаи назардан, мамлакатимиз Олий Мажлиси парламентлараро гуруҳининг АҚШ Конгресси билан ҳамкорлик бўйича мулоқоти ва АҚШ Конгрессидаги "Ўзбекистон бўйича кокус" фаолияти сиёсий ҳамда иқтисодий соҳаларда Ўзбекистон ва Америка муносабатларини тизимли ривожлантиришнинг ва парламент дипломатияси воситасида муҳим масалаларни ҳал этишнинг самарали механизмига айлангани алоҳида айтиб ўтилди.

Суҳбат давомида иқтисодий ҳамкорлик масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Икки томонлама стратегик шерикликни мустаҳкамлашга ўз таркибида 38 етакчи компанияни бирлаштирган Америка — Ўзбекистон савдо палатаси салмоқли ҳисса қўшаётгани ҳамда 2023 йилнинг январь — июль ойларида товар айирбошлаш ҳажми 321,5 миллион долларни ташкил этгани таъкидланди. Айни чоғда инвестициявий ҳамкорликни кенгайтириш ва икки давлат ишбилармон доиралари ўртасидаги алоқаларни янада мустаҳкамлаш юзасидан фикр алмашилди.

Шунингдек, меҳнат муносабатлари йўналишидаги ҳамкорликни изчил давом эттириш, бунда муносиб меҳнат шароитлари яратиш, меҳнат соҳасига халқаро стандартларни жорий этиш масалаларида доимий маслаҳатлашувни олиб боришга келишиб олинди.

Маълумки, Ўзбекистон — АҚШ муносабатлари нафақат икки томонлама ҳамкорлик доирасида, балки кўп томонлама форматларда ҳам ўзаро манфаатларни инобатга олган ҳолда мустаҳкамланиб бормоқда. Шу ўринда, жумладан, "Марказий Осиё — АҚШ. C5+1" форматидаги мулоқотни айтиш мумкин. Ушбу формат доирасида келгуси йилда Америка томони (ЮСАИД) билан тадбиркор аёлларнинг "C5+1" форматида ўтадиган халқаро форум, унда тадбиркор аёлларнинг фаол иштироки масалалари ҳам кўриб чиқилди.

Ўз навбатида, инсон ҳуқуқларини таъминлаш, эътиқод ва сўз эркинлиги масалалари ҳам эътибор марказида бўлди.

Мулоқот сўнгида томонлар барча соҳада ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада кенгайтириш ва чуқурлаштиришга тайёр эканликларини билдирди.

**«Халқ сўзи».**

## БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ МАҚСАДЛАРИ ВА ЎЗБЕКИСТОН ТАЖРИБАСИ

*Олий Мажлис Сенатининг Халқаро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари қўмитаси раиси Р. Алимов БМТнинг Европа ва Марказий Осиё учун ривожланиш бўйича минтақавий мувофиқлаштириш офиси раҳбари Гви Еоп Сон билан учрашди.*

### Учрашув

Унда Ўзбекистон Республикаси ва БМТ ҳамкорлигининг ҳозирги ҳолати ва истиқболлари муҳокама этилди.

Учрашув давомида барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларга ўз вақтида эришиш борасида олиб борилаётган ислоҳотлар, қабул қилинаётган қонунлар, стратегия ва давлат дастурларининг миллий мақсад ва вазифаларга мослиги нуқтаи назаридан кўриб чиқилиши ҳамда соҳада олиб борилаётган самарали парламент назорати тўғрисида батафсил тўхталиб ўтилди. Айни чоғда Ўзбекистоннинг барқарор ривожланиш мақсадлари бўйича тажрибаси бутун дунёга намуна сифатида тақдим этилаётгани алоҳида таъкидланди.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан БМТ Бош Ассамблеясининг 75-сессиясида илгари сурилган "Барқарор ривожланиш мақсадларига эришишни жадаллаштиришда парламентлар ролини кучайтириш тўғрисида"ги резолюцияни қабул қилиш таклифи қўллаб-қувватланганлиги ва ушбу резолюция 2022 йил 14 декабрь куни Бош Ассамблеянинг 77-сессиясида қабул қилинганлиги эътироф этилди.

Суҳбат чоғида 2023 йил октябрда ўтказилиши режалаштирилаётган "Барқарор ривожланиш мақсадларига эришишда парламентлараро ҳамкорлик" мавзуидаги II Глобал форумга тайёргарлик юзасидан фикр алмашилди.

Учрашув якунида муҳокама қилинган йўналишларда ҳамкорликни изчил давом эттиришга келишиб олинди.

**«Халқ сўзи».**

Экологик ҳаракат:

## «СОҒЛОМ МУҲИТ — ИНСОН САЛОМАТЛИГИ»

*Куни кеча Олий Мажлис Сенатининг Оролбўйи минтақасини ривожлантириш масалалари ва экология қўмитаси томонидан Ўзбекистон экологик ҳаракати ташкил этилганининг 15 йиллигига бағишланган давра суҳбати ўтказилди.*

### Давра суҳбати

Тадбирда сенатор ва депутатлар, тегишли вазирлик ва идоралар ходимлари, Ўзбекистон Экологик партияси, халқаро ташкилотлар, экология ва тиббиёт соҳасидаги нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари ҳамда Экоҳаракат фаоллари қатнашди.

Давра суҳбатида 2008 йил 2 августда ташкил этилган Ўзбекистон экологик ҳаракати "Соғлом муҳит — инсон саломатлиги" шиори остида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва аҳоли саломатлигини яхшилаш борасида кенг кўламли ишларни амалга ошириб келаётганлиги алоҳида таъкидланди. Ўтган даврда Экоҳаракат томонидан 5 миллиондан кўп кишиларни қамраб олган 14,5 мингдан зиёд турли таҳлилий-амалий анжуманлар ўтказилган.

Жумладан, атроф-муҳит муҳофазасида жамоатчилик фаоллигини ошириш мақсадида 3100 дан зиёд тадбирлар уюштирилган. Муҳими, уларда Орол фожиасининг минтақа аҳолиси саломатлиги ва атроф-муҳитга салбий таъсирини юмшатишга катта эътибор қаратилгани диққатга сазовор.

Қолаверса, атроф-муҳит ва аҳоли саломатлигини муҳофаза қилишда давлат органлари, корхона ва ташкилотлар масъулиятини ошириш мақсадида 6 мингга яқин жамоатчилик эшитувлари, экологик рейдлар, шунингдек, жамоатчиликнинг экологик назоратига оид тадбирлар ташкил этилган.

Бундан ташқари, давра суҳбатида таълим муассасалари вакиллари, сиёсий партиялар, маҳаллалар фаоллари, ёшлар иштирокида аҳолининг экологик маданиятини юксалтириш, экологик таълим ва тарбия тизимини ривожлантириш мақсадида 1400 дан ортиқ тадбирлар уюштирилгани айтиб ўтилди.

Халқаро ҳамкорликни ривожлантириш мақсадида 500 дан зиёд анжуманлар ўтказилган. Жумладан, АҚШ, Германия, Япония, Бельгия, Швейцария ва бошқа давлатларда ташкил этилган 50 дан ортиқ тадбирлар халқаро жамоатчилик эътирофига сазовор бўлди.

Шунингдек, маҳаллий аҳоли вакилларини кенг жалб қилган ҳолда Олий Мажлис ҳузуридаги ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондининг 5 та ижтимоий буюртмаси ҳамда 20 та грант лойиҳаси амалга оширилди.

Тадбирда "Ўзбекистон экологик ҳаракати — 15 йил экологик барқарорлик йўлида" китоб-альбоми ҳамда Б. Алихоновнинг илмий мақола ва маърузаларидан таркиб топган тўплами тақдимоти ўтказилди.

**«Халқ сўзи».**

## СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИК ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАНАДИ

*Президентимизнинг шу йил 22-23 август кунлари Озарбайжонга давлат ташрифи икки мамлакат ўртасидаги кўп қиррали стратегик шериклик муносабатлари янада кенгайиб бораётганининг намоёни бўлди, десак, айни ҳақиқатдир.*

### Фикр

Давлатлар ўртасида савдо-иқтисодий, сармоявий ва молиявий-техникавий ҳамкорлик алоҳида таҳсинга лойиқ. Эркин савдо режими ўрнатилган, 1998 йилдан бери ҳамкорлик бўйича Ҳукуматлараро қўшма комиссия (ҲҚК) фаолият кўрсатмоқда.

2020 йилда Ўзбекистон — Озарбайжон ишбилармонлар кенгаши, 2023 йилда устав капитали 500 миллион доллар бўлган Инвестиция жамғармаси ташкил этилган. Икки йил аввал "UzAuto Motors" акциядорлик жамияти ва Ҳожиғабул шаҳридаги "SamAuto" заводининг йиғиш линияси ишга туширилди. Унда "UzAuto Motors" акциядорлик жамиятининг барча русумдаги автомобиллари ишлаб чиқарилмоқда.

Транспорт соҳасидаги ҳамкорлик доирасида 2020 йилда Қирғизистондан Ўзбекистон ҳудуди орқали Поти (Грузия) портигача бўлган биринчи синов темир йўл лойиҳаси муваффақиятли ишга туширилди. 2022 йилдан бошлаб мамлакатлар ўртасида ҳаво йўллари орқали йўловчи ва юк ташиш тикланди. Жорий йилнинг 6 ойи давомида юк ташишнинг умумий ҳажми 47 минг тоннани ташкил қилди.

Икки давлат раҳбарлари ташриф давомида халқаро ва минтақавий кун тартиби юзасидан фикр алмашдилар, кўп томонлама тузилмалар доирасида фаол мулоқот ва ўзаро қўллаб-қувватлашни давом эттириш масалаларини муҳокама қилдилар. Транспорт ва транзит, Ўрта коридор орқали юк ташишни кўпайтириш, логистика ва портлар инфратузилмасини биргаликда ривожлантириш, Транскаспий йўлаги доирасида қўшма логистика компаниясини ташкил этиш, Боку шаҳри ва учинчи мамлакатлар портларида омборхона инфратузилмаси ва логистика марказларини барпо қилиш чоралари хусусида келишувга эришилгани айни муддао бўлди.

Хулоса сифатида айтганда, давлатлар ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш истиқболлари ҳар икки томон учун ҳам ўта манфаатлидир.

**Нодир ТИЛАВОЛДИЕВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.**

### Қисқа сатрларда



## ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитаси томонидан "Тадбиркорлик фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш тизими соддалаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси муҳокамасига бағишланган ишчи гуруҳ йиғилиши бўлиб ўтди.

Парламент қуйи палатаси депутатлари, тегишли вазирлик ва идоралар вакиллари, ишчи гуруҳ аъзолари, олимлар, экспертлар қатнашган йиғилишда қонун лойиҳаси атрофлича кўриб чиқилди. Унда акс этаётган айрим нормалар юзасидан фикр-мулоҳазалар, таклифлар билдирилди.

Мазкур қонун лойиҳасининг қабул қилиниши тадбиркорлик фаолиятини тартибга солишнинг аниқ мақсад ва чегараларини белгилаш, тадбиркорлик субъектлари томонидан янги маҳсулот ва хизмат турларини жорий этиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш орқали уларга нисбатан тартибга солиш юкини камайтириш йўналишида кўрилаётган чоралар самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

* * *

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Фуқароларнинг соғлиғини сақлаш масалалари қўмитаси томонидан "Педагог ходимларнинг мажбурий тиббий кўрикдан ўтказилиш тартиби: ҳолат, муаммолар ва ечимлар" мавзуида давра суҳбати ўтказилди.

* * *

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Инновацион ривожланиш, ахборот сиёсати ва ахборот технологиялари масалалари қўмитаси томонидан "Мустақиллик — ахборот ва сўз эркинлигининг кафолати" мавзуида давра суҳбати ўтказилди.

Тадбирда мустақиллик, айниқса, сўнгги йилларда Ўзбекистонда ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш борасида амалга оширилган ислоҳотлар, хусусан, соҳанинг ҳуқуқий асослари ҳамда ахборот олиш ва уни эркин тарқатиш учун яратилаётган техник имкониятлар ҳақида сўз борди.

* * *

*Маълумот учун, келаётган ҳафтанинг биринчи кунида Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги сиёсий партиялар фракцияларининг йиғилишлари бўлиб ўтиши режалаштирилган.*

**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Парламент ахборот маркази.**

## ЖОЗИБАДОР ДАСТУРЛАР — КЕЛАЖАК ПОЙДЕВОРИ

*Самарқанд катта иқтисодий ва ижтимоий салоҳиятга, улкан табиий ва инсоний ресурсларга эга вилоят сифатида мамлакатимиз ҳаётида алоҳида ўрин эгаллайди. Мустақиллик шарофати, давлатимиз раҳбарининг узоқни кўзлаб амалга ошираётган оқилона сиёсати туфайли Самарқанд вилояти кейинги йилларда изчил ривожланмоқда. Айниқса, тадбиркорлик ва фермерликни қўллаб-қувватлаш, уларнинг эркин ва самарали фаолият юритиши учун берилаётган имкониятлар, яратилаётган шароитлар кўлами ниҳоятда кенгайди. Натижада улар аҳоли бандлигини таъминлаш баробарида ўз маҳсулотларини нафақат ички бозорга чиқармоқда, балки экспорт ҳам қилаётир.*

### Акс садо

Самарқанд шаҳридаги "Азия металл проф" масъулияти чекланган жамиятида 2018 — 2022 йилларда хитойлик ҳамкорлар билан биргаликда умумий қиймати 110 миллион долларлик лойиҳалар амалга оширилган. Бу маблағнинг 33 миллион доллари тўғридан-тўғри хорижий инвестициядир.

Президентимиз таълим масканларидаги шароитлар, янги иншоотлар, саноат корхоналари ва хизмат кўрсатиш лойиҳаларини кўздан кечириш, халқ билан очиқ мулоқот қилиш мақсадида шу йил 25 август куни Самарқандда бўлди. Ушбу ташриф вилоят аҳлини янада руҳлантириб, ташаббус кўрсатиб, изланувчанлик билан яшашга чорлади, десак, айни ҳақиқат.

Самарқанд вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ҳамда йил якунига қадар бажарилиши лозим бўлган асосий вазифалар бўйича ўтказилган йиғилишда маҳаллаларда тадбиркорлик ва деҳқончиликни қўллаб-қувватлаш, узум ва писта етиштиришни кўпайтириш, серқатнов йўллар бўйида хизмат кўрсатиш соҳасида аҳолини ишли қилиш зарурлиги таъкидланди. Бу борада амалга ошириладиган ишлар қатъий хулоса ва таклифлар асосида айтилгани эл-юртимиз ҳаётида янги тараққиёт босқичи жадал тусга кирганининг амалий исботидир.

Таъкидлаш жоизки, Самарқанд вилояти улкан туризм салоҳиятига эга. Шундан келиб чиқилса, вилоятда туризм соҳасида 20 мингта доимий иш ўрни яратиш ва экспортни 500 миллион долларга етказиш имконияти бор. Бунинг учун жозибадор дастурларни кўпайтириш, йўлларни ва жамоат транспортини қулай қилиш зарур. Бу борада туризм салоҳияти юқори 100 та маҳалла ва қишлоқда "Туризм ипотекаси" дастури асосида янги саёҳат манзиллари очилиши айни муддаодир.

Хулоса қилиб айтганда, вилоятда амалга оширилаётган бунёдкорлик ва иқтисодий лойиҳалар ҳудуд аҳолисининг турмуш фаровонлигини яхшилашда ҳамда юқори ҳақ тўланувчи иш ўринлари билан таъминланишида муҳим аҳамият касб этади. Давлатимиз раҳбарининг бу галги ташрифи эса вилоятни янада ривожлантириш, ҳудуднинг бекиёс имкониятларини юзага чиқаришга хизмат қилади.

**Махфират ХУШВАҚТОВА,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.**

Сўх тумани:

# КЎҲНА ТАРИХ ВА ЗАМОНАВИЙ ТАРАҚҚИЁТНИ МУЖАССАМЛАШТИРГАН ЗАМИН

1

## Буюк Ипак йўлидаги жавоҳир

Сўх тумани том маънода Буюк Ипак йўли чорраҳасида жойлашган жавоҳирдир. Туманда асрлар мобайнида сақланиб келаётган Хўжа Ориф, Султон Маҳмуд Ғазнавий, Ҳазрат Али каби зиёратгоҳлар унинг кўҳна тарихидан далолат беради. Қўқон хони Худоёрхон даврида Сўхда қоғоз ишлаб чиқариш йўлга қўйилгани ҳудуднинг юртимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётидаги ўрни нечоғли юксак бўлганини кўрсатади.

Сўхдан топилган ва ҳозирда Ўзбекистон тарихи давлат музейида сақланаётган икки бошли илон тумори ҳам аждодларимизнинг қадимий фалсафий қарашлари билан боғлиқ. Аслида илон рамзи дунёнинг бошқа халқларида ҳам учрайди ва у мўлкўлчилик, сув, ёмғир, олов, мардлик тимсоли ҳисобланади.

— Дунё халқларининг қадимий қарашларига кўра, илон илоҳий қудрат рамзи сифатида қадрланади. Шундан ҳам инсоният тамаддунининг илк даврларида ушбу рамз қандай роль ўйнаганини ҳис этиш қийин эмас, — дейди тарихчи олим Баҳодир Ҳошимов. — Марказий Осиё халқларида эса илон булоқ ва сув манбалари қўриқчиси тимсолига мос келади. Сўхдан бундай ноёб ашё топилгани эса унинг инсоният тамаддуни бешикларидан бири бўлганини англатади.

Сўхда бир маъдан тури борки, у “Санги ойина” бўлиб, қадимги ривоятларга кўра ушбу ноёб хазина одамлар тақдирини кўрсатиб берадиган мўъжизавий қудрат, табаррук ашё сифатида кўрилган. Бу тош тақдир тақозоси билан бир муддат Сўхда яшаган Бобур Мирзо ҳаёти тубдан ўзгариб кетишида ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлган эди.

Улуғ аждодимиз “Бобурнома”да бу ҳақда шундай хотирлайди: “Исфаранинг бир шаръисида, жануб сори пушталарнинг орасида бир парча тош тушубдур, “Санги ойина” дерлар, узунлуги тахминан ўн қари(ч) бўлғай, баландлиги баъзи ери киши бўйи, пастлиги баъзи ери кишининг белича бўлғай, ойнадек ҳар нима мунъакис бўлур”. Сўхда Бобур Мирзо билан боғлиқ хотиралар — Бобур боғи, Бобур кўприги, Бобурбурчак, Бобур намозгоҳи, тахти Бобур сингари атамалар тарзида бугунги кунга қадар авлоддан-авлодга ўтиб келмоқда.

2022 йили Фарғона вилояти ҳокимлиги ташаббуси билан “Санги ойина” ва унга туташ ҳудудлар инфратузилмасини яхшилаш, маҳаллий ва хорижий сайёҳлар учун қулай шароит яратишга киришилгани эътиборга лойиқ. Шунингдек, туманнинг Ҳушёр, Девайрон, Сариканда, Ленбур каби қишлоқларида махсус туризм зоналари барпо этилаётир. Буларнинг барчаси кўҳна кентнинг замонавий дунёга янгича қиёфада намоён бўлишига хизмат қилади.

## Даштларга обиҳаёт келди

Ош тоғи туманнинг ўзига хос “ташриф қоғози” бўлиб, пурвиқор қоя-тошлар салтанатига синчиклаб разм солсангиз, мўйсафид чол қўлида егулик кўтариб, азиз меҳмонни сўхликларга хос меҳмондўстлик билан кутиб олаётгандек туюлади. Бу, таъбир жоиз бўлса, бугун сўхликлар янги кун, янги орзу-мақсадлар сари пешвоз чиқаётганига бир ишорадай...

Айни кунларда асрларни қаритган ушбу тоғ атрофидаги дашту биёбонларда янги ҳаёт нафаси барқ ураётир. Бинобарин, 2020 йил 8 август куни қабул қилинган “2020-2021 йилларда Фарғона вилоятининг Сўх туманини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент қарорига кўра, “Қайроқ” насос станцияси қуриб битказилди. Лойиҳа доирасида 1448 гектар ер майдонини сув билан таъминлаш учун Давлат бюджетидан 90,7 млрд. сўм маблағ ажратилиб, “Қайроқ” массивига сув чиқарилди. “Қайроқ” насос станциясидан 422 метр баландликка 4 км. узунликдаги диаметри 1020 миллиметрлик металл қувурларни пайвандлаш ва монтаж қилиш ишлари бажарилди.

Натижада узоқ йиллар фойдаланилмай ётган ерларда томчилатиб суғориш технологияси ёрдамида малина плантациялари ташкил этилди. 150 га яқин иссиқхоналар қурилди. Иссиқхоналарнинг бир қисми кам таъминланган оилаларга субсидия асосида берилди. Ўзгаришлардан мамнун маҳаллий аҳоли ташаббус кўрсатиб, яна 80 та иссиқхона барпо қилди.

“Жавпая” массивининг устки қисмидаги 3 минг гектар ер ўзлаштиришга киришилиб, биринчи босқичда 320 гектар ерга ўрик экилди. Янги ўрикзорлар 50 сотихдан лотларга ажратилиб, кооперация асосида ишсиз ёшларга ажратиб берилди.

— Гапнинг очиғи, эрта кўкламдан аксарият тенгдошлар иш излаб хорижга кетардик, — дейди Жавпаяда меҳнат қилаётган Фазлиддин Додакаримов. — Ўрикзор мевага киргунига қадар боғ қатор орасида қовун-тарвуз, ошқовоқ, ловия, маккажўхори, нўхат, ерёнғоқ сингари экинлардан даромад олиб турибмиз. Энди оиламизнинг доимий даромад манбаи бор. Бу орқали “ёшлар дафтари” рўйхатида турган мен каби кўплаб йигит-қизлар ишли бўлди.

Фахрий ўқитувчи Қудратжон Латиповнинг айтишича, бу каби саъй-ҳаракатлар нафақат ёш авлод, балки ҳар бир сўхлик ҳаётига ўзгариш олиб кирди. Одамларда ўз ҳаёти, тақдирига бўлган муносабат, дунёқараш ўзгарди. Оилаларнинг даромад манбаи кенгайиб, янги тармоқлар ўзлаштирилди. Шу тариқа бу ҳудудда доривор гиёҳлар етиштиришдан тортиб, тадбиркорликда энг ноёб, мураккаб лойиҳаларгача ҳеч бир қийинчиликсиз ҳаётга татбиқ этиляпти.



## Тадбиркорлик маҳалладан бошланади

Сўхда 27 та маҳалла фуқаролар йиғини бўлиб, ҳар бирининг йиллар мобайнида шаклланган қадрият ва анъаналари бор. Буларнинг замирида эса ўзаро ҳурмат, аҳил-иноқлик хислатлари мужассам. Мисол учун, 82 мингдан зиёд аҳоли истиқомат қиладиган туманда жорий йилнинг олти ойида 6 та жиноят содир этилган. Бу анчагина паст кўрсаткич, яъни Сўхда жиноятчини жазолашга эмас, жиноятнинг олдини олишга жиддий эътибор қаратилаётганидан далолат.

Давлатимиз раҳбарининг 2022 йил 25 октябрь кунги “2022-2023 йилларда маҳаллалар инфратузилмасини янада яхшилаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, туман бўйича 15 та маҳалла фуқаролар йиғини инфратузилмасини яхшилашга қарийб 30 млрд. сўм ажратилди.

2023 йилда биргина “Очиқ бюджет” дастури доирасида 4 та маҳаллада 3,4 млрд. сўмлик бунёдкорлик ишлари бажарилади. Шунингдек, жорий йилда 58 км. ички йўлларни асфальтлаш, 6 км. бетон қопламаси ётқизиш кўзда тутилган. Дастурларга қўшимча равишда яна 15 км. ички йўллар асфальт қилинади. Шу тариқа жорий йил якунида туман миқёсида ички йўллар таъмирини 95 фоизга етказиш режалаштирилган.

Эзгу ташаббусларга кўра, яқин истиқболда туман маҳаллаларида 314 млрд. сўмлик 185 та лойиҳа амалга оширилиб, 750 га яқин иш ўринлари яратилади. Масалан, “Мулгон” МФЙда умумий қиймати 1 млрд. сўм бўлган лойиҳа асосида замонавий диагностика маркази қад ростлайди. Бу мулгонликларнинг узоғини яқин, оғирини енгил қилиши аниқ. Ахир маҳалланинг ўзида шундай муҳташам барча талабга жавоб берадиган тиббиёт маркази бўлишига не етсин!

Яқинда “Девайрон” МФЙда фаолият бошлаган “Avilon-Sox” МЧЖда бир йилда 15 млрд. сўмлик тикув-трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқарилиши, шундан 1 млн. долларлик маҳсулотни экспорт қилиш кўзда тутилган. Маҳсулотлар, асосан, МДҲ давлатлари, шунингдек, Ҳиндистонга етказилади.

— Бугунги фаровон замонамизнинг қадрини ҳеч нарса билан қиёслаб бўлмайди, — дейди меҳнат фахрийси, “Дўстлик” ордени соҳиби Очахон Тўхтабоева. — Дейлик, бундан олти-етти йил олдин хотин-қизларимизга маҳалланинг ўзида даромад топиб, оиласига нафи тегадиган шундай корхоналар бунёд қилиниши тушимизга ҳам кирмаган. Президентимизнинг эътибори ва ғамхўрлиги туфайли бугун ҳар бир маҳаллада ёшлар, хотин-қизлар учун муқим иш ўринлари ташкил этилаётганининг гувоҳи бўлиб турибмиз.

Тадбиркорлик ҳақида гап кетар экан, айни чоғда туман марказида жойлашган маҳаллаларда хизмат кўрсатиш ва сервис тармоқлари кўпайиб бораётганини айтиб ўтиш ўринлидир.

— Хизмат кўрсатиш соҳасида туманнинг марказий кўчасида жорий йилда 3,4 млрд. сўмлик 16 та лойиҳа амалга оширилиши режалаштирилган бўлиб, олти ойда 7 та лойиҳа ишга туширилди, — дейди “Истиқлол” МФЙ бўйича ҳоким ёрдамчиси Хуршиджон Ҳисенов. — Натижада оилалар ва маҳаллий бюджет даромадларини оширишнинг қўшимча манбалари шакллантириляпти. Энг асосийси, Сўхнинг туризм салоҳиятини юксалтириш борасида дадил қадамлар ташланмоқда.

## Янгиланиш, юксалиш, истиқбол

Ҳар қандай натижа, аввало, рақамларда акс этади. Қуйидаги ҳисоб-китобларда ҳам амалий ишлар кўлами яққол намоён.

Хусусан, яқинда инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун тумандаги “Бизнес экспорт” консалтинг компанияси томонидан умумий қиймати 98 млн. доллар бўлган 40 та лойиҳа шакллантирилди. Ўтган қисқа даврда 10 дан ортиқ лойиҳалар (умумий қиймати 42,9 млн. доллар) бўйича ташаббускор тадбиркорлар аниқланиб, йил охиригача ишга тушириш чора-тадбирлари белгиланди.

2023 йили туманда 9,2 млн. долларлик экспортни амалга ошириш режалаштирилган. Унинг 6,1 млн. долларини мева-сабзавотлар, 3,1 млн. долларини саноат маҳсулотлари ташкил этади. 62 та лойиҳани ҳаётга татбиқ қилиш учун эса 31,1 млрд. сўм миқдорида тўғридан-тўғри инвестиция жалб этиш мақсад қилинган. 4 та “Ёшлар” кичик саноат зонасида 44,8 млрд. сўмлик 44 та лойиҳани амалга ошириш бўйича 10 га яқин ёш тадбиркорлар ишга киришди.

— Мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотлар туманимизда ҳам ўз ифодасини топмоқда, — дейди Сўх тумани ҳокимининг биринчи ўринбосари Илҳомжон Тожибоев. — Замонавий мажмуалар халқимизнинг ҳаёт даражаси ва сифатини яхшилашда, тадбиркорлар томонидан яратилаётган янги иш ўринлари аҳоли бандлигини таъминлашда муҳим омил бўлаётир. Шу йилнинг биринчи ярмида қарийб 200 та саноат корхонаси томонидан 50 млрд. сўмликдан зиёд саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилди. Шунингдек, ҳисобот даврида 6,8 мингта янги иш ўрни яратилди. “Темир дафтар”га киритилган 1 466 та оиланинг 435 нафар аъзоси иш билан таъминланиб, халқ депутатлари туман Кенгаши қарори билан 135 та оила ушбу рўйхатдан чиқарилди.

“Аёллар дафтари”га киритилган 1 972 нафар хотин-қиз билан ишлаш бўйича алоҳида дастур тайёрланиб, “Йўл харитаси” тасдиқланди. Минг нафардан зиёд йигит-қизлар “ёшлар дафтари”га киритилиб, 110 нафарига 30 йил муддатга ижарага ер ажратиб берилди. Деҳқончилик ёки ҳунармандчилик билан шуғулланиши учун 20 нафарига 84 млн. сўмлик асбоб-ускуналар совға қилинди. Олий ўқув юртларининг 140 нафар талабасига тўлов-шартнома пулининг 50 фоизи, яъни 365,5 млн. сўм тўлаб берилди. Туманда фаолият бошлаган мономарказ ва касб-ҳунарга ўқитиш марказида 150 нафарга яқин ишсиз ёшлар, хотин-қизлар ўқитилди ҳамда иш билан таъминланди.

Президентимиз ташаббуси билан ҳаётга татбиқ этилган “20 минг тадбиркор — 500 минг малакали мутахассис” дастурида 24 нафар сўхлик тадбиркор қатнашиш истагини билдирди. Шу асосда истиқболли лойиҳалар шакллантирилиб, 2366 та иш ўрни ташкил қилиниши белгиланди. Янги иш ўринларининг 1726 тасига ижтимоий дафтарлар рўйхатида турувчи аҳоли вакилларини жалб этиш кўзда тутилган.

Ҳақиқатан ҳам, Сўх тумани бугун янгиланиш, юксалиш ва истиқбол сари дадил одимламоқда. Аҳоли турмуш фаровонлигини яхшилаш, туманнинг ҳар бир маҳалласини иқтисодий жиҳатдан ривожлантириш билан боғлиқ ҳар бир ўзгариш эса давлатимизнинг доимий эътиборида. Бу сингари ишлар ҳудуд чиройига чирой қўшиш билан бирга сўхликларда бугунги кунидан розилик, эртанги кунга мустаҳкам ишончни янада кучайтирмоқда.

...Шу кунларда Сўхнинг ҳар бир гўшасида қадрдон оҳанглар, мумтоз наволар жаранглаб, туман аҳли истиқлолимизнинг яна бир қутлуғ шодиёнасига пешвоз чиқяпти. Байрам шукуҳи ҳар бир хонадонга, ҳар бир қалбга кириб бораётир. Зотан, тинч-осойишта, обод ва фаровон юртда эса байрамлар, шодиёналар амалга оширилаётган бетимсол ишларга уйғун, ҳамоҳанг ҳолда янгича руҳда нишонланиши табиий.

**Ботир МАДИЁРОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

ЯНГИЛИКЛАР *хабарлар*

ТАФСИЛОТЛАР

## Ёш тадбиркор 80 та иш ўрни яратди

*Қоракўл туманининг энг чекка гўшаларидан саналган Чандиробод маҳалласида яшовчи 24 ёшли Даврбек Бобомуродов кундалик эҳтиёжбоп маҳсулот — супурги тайёрлаш бўйича ўз бизнесини йўлга қўйди.*

— Супурги тайёрлашга бундан етти-саккиз йилча муқаддам киришганмиз, — дея эслайди у. — Томорқада ва ғалладан бўшаган ерда супурги экини экиб, анчамунча тажриба тўпладик. Давлатимиз раҳбарининг ёш тадбиркорларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш борасида олиб бораётган оқилона сиёсати анчадан буён кўнглимда тугиб юрган ниятни рўёбга чиқариш сари йўл очди. Оилавий корхона фаолиятини йўлга қўйдим.

Маълумки, паст ҳосилли пахта ва ғалладан қисқартирилган ерлар қишлоқ аҳолисига деҳқончилик қилиш учун берилмоқда. Маҳаллада ана шундай майдонларнинг 45 гектари супурги етиштириш учун ажратилди. Иш “Бир контур — бир маҳсулот” тамойили асосида йўлга қўйилди. Натижада ёш тадбиркор томонидан 80 та иш ўрни яратилди. Улар, асосан, қишлоқ хотин-қизларидир. Бандлиги таъминланган аёллар бажарилган иш ҳажмидан келиб чиққан ҳолда ойига икки ярим миллион сўмдан беш-олти миллион сўмгача даромад кўрмоқда.

Шу тариқа оилавий корхонада йилига 150 мингта супурги тайёрлаш имконияти яратилди.

## Тиббиёт маскани фаолияти йўлга қўйилди

*Мустақиллик байрами арафасида Ромитан туманининг “Боғитуркон” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги Пинжон, Бойиш, Урганжи, Қиётон қишлоқлари аҳолиси учун яна бир қулайлик яратилди. Тўртала қишлоқ аҳолисига намунали хизмат кўрсатишга мўлжалланган замонавий тиббиёт маскани фаолият кўрсата бошлади.*

Шу кунга қадар бу ҳудудларда яшовчилар анчагина олисдаги 37-оилавий поликлиникага қатнар эди. Энди бу муаммога барҳам берилди. Қарийб икки минг нафар аҳолига хизмат кўрсатадиган муассаса шинам ва кўркам бўлиб, аҳолига бирламчи тиббий хизмат кўрсатиш учун зарур ускуналар билан жиҳозланган.

Айтиш жоизки, юртимизнинг бошқа гўшаларида бўлгани каби Ромитанда ҳам эл-юрт саломатлиги йўлида кўплаб хайрли ишларга қўл урилди. Кейинги бир йил ичида туманнинг энг чекка ҳудудларида яшовчи аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш мақсадида 11 та тиббиёт маскани очилгани фикримиз тасдиғидир.

**Истам ИБРОҲИМОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

«Ўзмиллийбанк» АЖ:

# МУҚОБИЛ ЭНЕРГИЯ — «ЯШИЛ» ИҚТИСОДИЁТГА ЙЎЛ



*Бутун дунёда табиий ресурслар сарфини камайтириш орқали “яшил” энергетика, “яшил” иқтисодиёт тамойиллари асосида инновацион ғояларни кенг жорий этиш энг устувор вазифалар сирасига киритилмоқда. Боиси табиий захиралар тобора тақчил бўлиб бораётган ҳозирги шароитда илм-фан ютуқларидан оқилона фойдаланиш инсоният учун ҳаёт-мамот масаласига айланди. Тинч-осойишта, фаровон ҳаётимиз, тақдиримиз ва келажагимиз эндиликда айни шу жиҳатлар билан чамбарчас боғлиқ бўлиб қолаётгани айни ҳақиқатдир.*

## Молия муассасаларида

Муқобил энергиянинг энг самарали ечимларидан бири, бу — қуёшнинг табиий қувватидан фойдаланиш ҳисобланади. Агар юртимизда йилнинг 320 куни офтобли ўтишини инобатга олсак, ҳам иқтисодиёт, ҳам экология учун нечоғли фойдали туганмас манбага эга эканлигимиз аён бўлади. Ундан оқилона ва самарали фойдаланиш эса иқтисодиёт тармоқларидан тортиб аҳолининг кундалик эҳтиёжларини таъминлашгача бўлган барча жараёнда катта имконият яратади.

Мамлакатимизда кейинги йилларда “яшил” технологиялардан кенг фойдаланиш борасида қонунчилик базаси, унинг ҳуқуқий ва иқтисодий асослари мустаҳкамланди. Хусусан, давлатимиз раҳбарининг шу йил 16 февраль кунги “2023 йилда қайта тикланувчи энергия манбаларини ва энергия тежовчи технологияларни жорий этишни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига кўра, ушбу йўналишдаги ишлар кўлами замонавий мезонлар асосида такомиллаштирилди. Бу борада манзилли дастур ишлаб чиқилиб, қуёш панеллари ўрнатиш борасидаги лойиҳалар тижорат банклари томонидан молиялаштирилмоқда.

Айни жараёнда мамлакатимиз молия муассасалари орасида ўз ўрнига эга “Ўзмиллийбанк” АЖ ҳам фаол қатнашаётир. Бунинг самараси сифатида банк томонидан тақдим этилаётган ўзига хос имтиёзлар берувчи кредитлар тадбиркорлик субъектлари ҳамда аҳолининг иқтисодий жиҳатдан тежамкор, арзон энергия таъминотига ўтишида муҳим омил бўлиб хизмат қилаётир.

Тошкент шаҳрининг Шайхонтоҳур туманида жойлашган “Lumos school” нодавлат таълим муассасасининг электр энергияга бўлган эҳтиёжи эндиликда тўлиқ муқобил манбалар орқали таъминланади. Гап шундаки, таълим ташкилоти биноси томига “Ўзмиллийбанк”нинг 635 млн. сўмлик молиявий кўмагида 50 кВт.лик қуёш панеллари ўрнатилди.

Мутахассисларнинг фикрича, бу ускуналар муассасанинг кунлик эҳтиёжи учун сарфланадиган энергия сарфини 70 — 80 фоиз иқтисод қилиш имконини беради.

— Эзгу ташаббус доирасида билим даргоҳида тўлиқ муқобил энергия манбаларидан фойдаланишга ўтдик, — дейди нодавлат таълим муассасасининг хўжалик ишлари бўйича директор ўринбосари Улуғбек Аннақулов. — Мактабимизнинг электр энергияга бўлган бир кунлик эҳтиёжи 600 — 700 кВт. бўладиган бўлса, шундан 80 фоизга яқинини айнан қуёш панеллари таъминлаб бермоқда. Натижада тежалган электр энергияни давлатга сотиш имконияти яратилди. Биз бундан самарали фойдаланмоқдамиз.

Пойтахтимиздаги йирик савдо мажмуаларидан бўлган “Экобозор” ҳам ўзининг савдо ва хизмат кўрсатиш қувватларини муқобил энергия тизимига ўтказиш жараёнига киришди. Ҳозирда мажмуа автотураргоҳининг бир қисми 360 кВт.лик қуёш панеллари билан жиҳозланмоқда. Айни пайтда қайта тикланувчи энергия тизими савдо маркази эҳтиёжининг 30 фоизини қоплаяпти. Бу лойиҳанинг биринчи босқичи бўлиб, яқин истиқболда мажмуа автотураргоҳи тўлиқ қуёш панеллари билан жиҳозланиши кўзда тутилган.

— Бугунги кунда “Экобозор” ва “Чимган” савдо мажмуалари автотураргоҳининг маълум бир қисми, яъни 600 квадрат метрдан ортиқ ҳудуд учун мўлжалланган қуёш панеллари ўрнатилди, — дейди корхона раҳбари Сардор Аъзамов. — Замонавий қурилмаларнинг умумий ҳажми 360 кВт.дан иборат. Бу кунига 1200 кВт. электр энергия ишлаб чиқариш имконини беради.



Қуёш панелларининг яна бир афзаллик томони шундаки, у автотураргоҳдаги машиналар учун жазирамада иссиқдан, қиш-қировли кунларда ёғингарчиликдан пана вазифасини ҳам бажаради. Энг асосийси, электр энергияси узлуксизлигини таъминлайди. Бу, шубҳасиз, ҳудуд экологияси мусаффолиги учун ҳам кони фойда. Келажакда ушбу автотураргоҳда электромобиллар учун қувватлаш ускуналарини ҳам олиб келиб ўрнатишни режалаштирганмиз.

“Ўзмиллийбанк” АЖ нафақат “яшил” технологияларни жорий этиш лойиҳаларини молиялаштириш, балки ҳудудий филиаллар ва банк хизматлари марказлари биноларини қуёш панеллари билан жиҳозлашга ҳам жиддий эътибор қаратмоқда. Хусусан, жорий йилнинг 1 август ҳолатига кўра, банкнинг 64 та маъмурий биноси умумий қиймати 10,9 млрд. сўм бўлган, қуввати 1135 кВт.лик қуёш панеллари ва умумий ҳажми 11800 литр бўлган 59 та қуёш сув иситиш қурилмаси билан жиҳозланди.

Яқинда банкнинг Миробод туманида жойлашган Бош амалиёт банк хизматлари марказига ҳам қуёш панеллари ўрнатилди. Натижада 80 кВт.лик қуёш панеллари ёрдамида банк хизматлари марказида сарф бўлаётган электр энергиясининг 30 фоизини қоплашга эришилди.

Шунингдек, аҳолига тезкор банк хизматларини кўрсатиб келаётган пойтахтдаги Себзор банк амалиётлари маркази биноларида ҳам қуёш панеллари қурилмаларини ўрнатиш ишлари якунланди. Бу биноларга ўрнатилган муқобил энергия манбалари бугунги кунда кунлик эҳтиёж учун сарфланаётган энергия таъминотини иқтисод қилишга кўмаклашмоқда.



— “Ўзмиллийбанк” АЖ томонидан 2023-2024 йилларда банк биноларига қуёш панеллари ҳамда қуёш сув иситиш қурилмаларини ўрнатиш бўйича аниқ чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилган, — дейди банкнинг Тошкент шаҳар бошқармаси бўлим бошлиғи Отабек Рамазонов. — Истиқболли режага асосан Тошкент шаҳридаги 14 та банк хизматлари марказида 730 кВт.лик қуёш панеллари ўрнатилди.

Мухтасар айтганда, “Ўзмиллийбанк” АЖ томонидан бу йўналишдаги ишлар босқичма-босқич давом эттирилмоқда. Бунинг натижасида жорий йил якунига қадар қолган банк хизматлари марказлари ҳам умумий қиймати 1,75 млрд. сўмлик 175 кВт. қувватга эга қуёш панеллари билан таъминланади.

Муқобил энергия манбалари эса мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантиришнинг сифат жиҳатдан янги босқичга кўтаришга қаратилган “яшил” иқтисодиёт тамойилини рўёбга чиқаришга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

**Б. ОМОНОВ.**

Реклама

*Хизматлар лицензияланган.*

# ХАЛҚҚА КИФТ ТУТГАН ФИДОЙИ

*Шундай инсонлар бўладики, уларнинг эзгу ишлари, элу юрт манфаати йўлидаги фидойиликлари ҳеч қачон унутилмай, мангуликка эврилади. Янги Ўзбекистон муҳитида юртимиз ўтмишига бир қур назар ташлаб, унинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий-маърифий жабҳаларида элим-юртим деб яшаганларнинг ҳалол хизматларини эътироф этиш маънавий бурч ҳисобланади.*

## Яхшилар ёди

### «Зомин бургути»

Шу кунларда халқимиз ҳаётида бутунлай янги даврни бошлаб берган унутилмас тарихий воқеа — Ватанимиз мустақиллигининг ўттиз икки йиллик санасини нишонлашга қизғин тайёргарлик кўрилмоқда. Президентимизнинг жорий йил 27 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўттиз икки йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида”ги қарорида ташкилий-амалий, маънавий-маърифий тадбирларга **“Янги ҳаёт учун, Янги Ўзбекистон учун!”** деган бош ғоя танлаб олингани алоҳида эътиборлидир. Бинобарин, бу эзгу ғоя халқимизни мамлакатимиз тараққиётини янги босқичга кўтаришга руҳлантириш билан бирга, бугунги дориламон кунлар учун фидойилик кўрсатган инсонларни хотирлашга ундайди.

Зомин тоғлари этакларидаги қишлоқларда ана шундай заҳматкаш инсонлар кўп ўтган. Улардан бири — элпарварлиги, тўғрисўзлиги, жонкуярлиги, шижоати туфайли халқ орасида “юрагида ўти бор киши”, “бульдозер”, “Зомин бургути”, “чўл лочини” ҳамда “афсонавий қаҳрамон” дея ном қозониб, меҳр билан эъзозлаб келинган Саттор Усмонов.

Зомин тоғларининг чекка Галдировут қишлоғида турли миллат вакиллари ёнма-ён қўшничиликда, қавму қариндошчиликда яшаб келишади. Саттор Усмонов ҳам 1923 йил 15 августда қирғиз оиласида туғилди. Ўтган асрнинг ўттизинчи йилларида ҳаёт оғир, бир бурда нон топиб ейишнинг ўзи бўлмас, шу сабабли унинг отаси Усмон кунни кун, тунни тун демай ишлар, деҳқончилик қилар, эгар ясар, ўша даврларда “увруқчи”, “сувруқчи” деган юмушларни бажарар, онаси Ойсоат эса эрта тонгдан кечгача уйларидан ўн километр узоқликдаги Қурубел деган жойга бориб ўроқчилик қилиб келар, нормани бажаргани эвазига битта-яримта нон олиб, болаларига илинарди. Етмаганидек, тунда уй юмушларини эпларди. Шу тариқа у Сатторнинг ука-сингиллари — Иқлимой, Мухтор, Умар, Шарофатни оёққа қўйиб, иссиқ-совуғига улгурарди.

Саттор бу қийинчилик-машаққатларнинг барчасини ўз кўзи билан кўриб, эсини таниди, қора меҳнат ичида улғайди, суяги қотди. Ой тепага кўтарилиб, кўзи илинаётган кезларда қора уйлари — ўтов ёнида гулхан ёқиб, унинг атрофидан жой олишган оқ қалпоқли қирғизлару дўппили ўзбекларнинг ҳаёт қийинчиликлари, кечираётган турмушлари қилаётган меҳнатларининг олдида арзимаслиги ҳақидаги ўкинчли ҳикояларини тинглаб, уйқуси қочиб кетар, баъзан эса ўртада шопиёлаларда қимиз айланган сархуш лаҳзаларда оқинларнинг қўмиз чалиб айтган қўшиғи унинг хаёлини узоқ-узоқларга олиб кетарди.

Мана шундай муҳитда қалби орзу-умидларга тўлиб-тошган Саттор болалигиданоқ тиришқоқ, бошқалардан бир қадам олдинда юришга интилувчанлиги билан ажралиб турарди. У Зомин тумани марказидаги 1-ўрта мактабни аъло баҳоларга тугатибоқ, ўзи туғилган Галдировут қишлоғида эндигина очилган мактабда ўқитувчилик қила бошлади. Номи мактаб бўлгани билан шарт-шароити ибтидоий, ўқув қуроллари, дарсликлар, дафтарлар, сиёҳдону ручка-қаламлар етишмас, аммо табиат қўйнида ўсаётган тоза қалбли, пок руҳли болакайларнинг ўқиб-ўрганишга иштиёқлари жуда баланд эди. Ёш ўқитувчи уларнинг нигоҳларида халқ келажагини, миллат истиқболини кўраётганидан қувониб, таълим-тарбия берарди.

Ҳақиқатан ҳам, ўша чоғларда ўқиган болакайлар кейинчалик собиқ иттифоқ ва республикамизда энди-энди барпо бўлаётган саноат юксалишида, қишлоқ хўжалигини йўлга қўйишда, илм-фан, маданият, санъат, адабиёт ривожланишида шу қадар бебаҳо улуш қўшдиларки, уларнинг меҳнатлари самараси бугунги кунгача бардавом бўлиб келмоқда. Ўша маҳалларда мактаб таълим-тарбиясининг юрт келажагини барпо этишдаги юксак масъулиятини ҳис қилиш ўқитувчи обрў-эътиборини бирданига юксакка кўтариб юборган эди. Энди ўқитувчи, айниқса, қишлоқ жойларда пешқадам зиёли, билими-савиясидан тортиб юриш-туришигача ибрат намунаси эди.

### Шароф Рашидов назари

Аммо... Шу орада Иккинчи жаҳон уруши бошланиб қолди. У кўнгиллилар қатори урушга кетди. Беларусь ва Польшада жасорат кўрсатади. Днепр дарёсининг ўнг қирғоғига биринчилардан бўлиб сузиб ўтганлар сафида бўлиб, оғир яраланди. Госпиталда даволаниб чиққач, она юртига қайтиш имкони бўлса-да, қайтмай, Рейхстаггача жанг қилиб борди. Кўрсатган жасоратлари учун кўплаб орден-медаллар олди.

Урушдан ғалаба билан қайтгач, Саттор Усмонов Зомин тумани партия қўмитасида инструктор, туғилган қишлоғида колхоз раиси вазифаларида ишлаб, аста-секин халқ меҳрини қозониб, танила бошлади. Ўтган асрнинг ўрталарида Тошкент шаҳридаги олий партия мактабида ўқиб, ўша маҳалларда республика раҳбари Шароф Рашидовнинг назарига тушди. Унинг тавсияси билан Зоминга райком вазифасига тайинланди. Тоғлар орасидаги сўлим ва баҳаво Зоминни ободонлаштириш ишларига унинг қўшган бекиёс ҳиссасини одамлар ҳали-ҳануз гапириб юришади. Зомин тумани унинг раҳбарлигида ғаллачиликда мисли кўрилмаган натижаларга эришди.

Тиниб-тинчимас Саттор Усмонов қулочини янаям каттароқ олишни истарди. Янги ўзлаштирилаётган чўллар уни ўзига жалб этарди. Туркистон тоғлари этакларидаги Зомин, Бахмал, Ғаллаорол сингари туманларда ўз кучини қаерга сарфлашни билмай юрган одамларни кўчириб бориш керак дерди. Уларни доимий иш билан таъминлаш дардида ёнарди. Бу масалада у ўзига хос ғояга эга эди. Аҳоли кўпайиб, тоғ ҳудудларидаги қишлоқлардаги одамлар ишсиз қолмаслиги керак, дерди. Бунинг учун энг қулайи — ўзлаштирилаётган чўллар эди.

### Эзгу ният, эзгу ғоя завол билмайди

Саттор Усмоновнинг шогирдлари унга ҳавас билан қараб, ибрат олишга интилиб ишлади ва ўзлари ҳам катта ютуқларга эришди. Аҳмад Қулбеков, Холбек Бўронов, Ёқуб Раҳмонқулов, Турсунмурод Пирматов, Инобат Охунова, Қувондиқ Абдураззоқов каби унинг тарбиясини олган шогирдлари кўп йиллар бир нечта давлат хўжаликларида самарали раҳбарлик қилишди.

Саттор Усмоновнинг ташкилотчилик қобилияти тенгсиз эди. Бирга ишлаган инсонлар ҳозир ҳам унингдек ўз халқи учун астойдил куйиб-ёнган ҳалол раҳбарни, меҳнатсевар, романтик одамни бошқа учратишмаганини айтишади. Сутканинг қайси вақтида бўлмасин, у кишини меҳнаткашлар орасида, иш устида учратиш мумкин бўларди. Катта-катта ташаббусларни ўйлаб топар, уларни амалга оширишда қўрқмай, иш юритарди. “Бульдозер” деган лақаби шундан эди.

Саттор Усмонов Зомин сил касалликлари шифохонаси бош шифокори, туман марказидаги ҳовлисида девор-дармиён қўшниси Миромон Мирзиёев билан маслаҳатлашиб, Зоминга ўша даврдаги республика соғлиқни сақлаш вазирини олиб келишади. Уни ҳам отга мингазиб, уч отлиқ ҳозирги



кунда “Супа” номини олган, дам олиш масканлари қурилиб, обод бўлиб кетган жойларга қараб кетишади. Анча-мунча нарсани назар-писанд қилмайдиган вазир ҳайрон. То “Супа”гача чиқиб боришгач, улар вазирга теварак-атрофни кўрсатишади. Ҳақиқатан ҳам, бу жойнинг тенгсиз манзарасини, ҳавосини шу ернинг ўзида ҳис қилмаса, узоқдан уни таърифлаб-тавсифлаш мушкул эди. Саттор Усмонов ва Миромон Мирзиёев Швейцариядан қолишмайдиган бу жой вазирнинг ўзида катта таассурот қолдирганини пайқашгач, ортга қайтишади. Аммо у маҳалларда оддий йўлга асфальт ётқизилиши ҳам Москва рухсатисиз амалга ошмас эди. Бу эзгу ниятларнинг тўла-тўкис рўёби янги Ўзбекистон шароитида, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан юз берди.

Халқимизда “От изини той босади”, деган пурмаъно нақл бор. Биздан олдинги буюк инсонлар, аниқроғи, улуғ аждодларнинг муносиб давомчиларидан бири бўлган Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуси билан Жиззах вилоятининг сўлим Зомин тоғида денгиз сатҳидан 2400 метр баландликдаги масканда бунёд этилган “Супа” туристик маркази ҳамда замонавий меҳмонхоналарнинг бунёд этилиши ва бу ишлар кенг кўламда давом этаётгани бунинг ёрқин мисолидир. Халқимиз бежиз “Яхши ният, ярим мол” демаган.

Ҳақиқатан ҳам, яхши ниятлар, эзгу ғоялар завол билмайди.

### Ғоя одами эди

Саттор Усмоновни “ғоя одами эди”, дейишади. Ташаббускорлиги ҳам шундан эди. У қаерда раҳбарлик қилмасин, корхона, бино ва иншоотлар, уй-жойлар, маориф, тиббиёт муассасалари қуришга катта эътибор қаратарди. Ободончилик ишларини унутмасди.

Маълумки, ўтган асрнинг ўрталарида қуш учса, қаноти, одам юрса, оёғи куяди, дея таърифланиб, одамлар қалбига ваҳима солиб келган Мирзачўлни ўзлаштиришга катта эътибор қаратилади. Саттор Усмонов Зоминдан Мирзачўлга келиб турли раҳбарлик лавозимларида фаолиятини давом эттирди. Жумладан, 15 йил давомида 6-хўжаликка раҳбарлик қилиб, жуда катта натижаларга эришди.

Хусусан, бўз ерлар ўзлаштирилиб, пахтачилик мактабига асос солинди. У устоз сифатида чўл шарт-шароитини яхши билиб, иш юритиш салоҳиятига эга жуда кўп ёшларга йўл очиб берди. Уларни ўқишга юборди. Раҳбарлик лавозимларига тавсиялар берди. Натижада қўл остида ишлаган ходимлар орасидан қирққа яқин раҳбарлар етишиб чиқди.

Саттор Усмонов Мирзачўлга кўчиб келганлар учун ризқ, уй-жой, Ватан бўлишини истарди. Чиндан ҳам, чўлларни ўзлаштириш натижасида Сирдарё ва Жиззах вилоятлари, 17 та маъмурий туман тузилди. 300 мингга яқин иш ўринлари яратилди. Чўлларни ўзлаштириш юз минглаб кишилар учун меҳнат ва чиниқиш, маънавий юксалиш, биродарлик, жамоавийлик, байналминалчилик ва ватанпарварлик мактаби бўлди. Янги ҳудудларда шаҳар ва қўрғончалар, саноат, қурилиш, йўллар, қишлоқ хўжалиги ҳамда иқтисодиётнинг бошқа тармоқлари, ижтимоий соҳа ва маданият жадал ривожланди.

### Дунё эътиборини тортган манзил

Мирзачўлнинг ўзлаштирилиши катта суръат олгани дунё эътиборини ҳам тортмай қолмади. Ўзбек халқининг чўлни боғу бўстонга айлантиришаётгани хабари дунёнинг турли чеккаларига бориб етди. Эшитганларига ишонмаганлар ўз кўзлари билан кўриш учун, мутахассислар тажриба ўрганиш учун, саёҳатчилар мўъжиза излаб, оламнинг турли манзилларидан бу ерга оқиб кела бошлади. Саттор Усмонов раҳбарлигидаги хўжаликка 1966 йил апрель ойида собиқ иттифоқ раҳбарлари Леонид Брежнев ва Алексей Косигин келиб, оддий меҳнаткашлар билан учрашди.

Улардан ташқари, 6-хўжаликка ўша вақтдаги Куба раҳбари Фидель Кастро, унинг укаси Раул Кастро, космонавт Герман Титов ва бошқа давлат ҳамда жамоат арбоблари, таниқли инсонлар ҳам келишади. Улар Саттор Усмонов фаолияти билан танишиб, ҳайратда қолганини яширмайди...

Саттор Усмоновнинг Шароф Рашидов, Акоп Саркисов, Абдулҳай Тоиров, Тўхтамиш Боймиров, Уруш Мажидов сингари ўз даврининг донгдор инсонлари билан муносабатлари яйдоқ чўл бўлиб ётган Мирзачўлни ўзлаштириш, у ерга уй-жойлар қуриб, одамларни кўчириб келиш, уларга шарт-шароит яратиб бериб, қишлоқ хўжалиги зироатчилигини ривожлантиришда муҳим ўрин тутди. Жуда кўп одамлар ҳозирги Сардоба туманига, Саттор Усмонов янги ташкил этган хўжаликка кўчиб келди.

Мирзачўлга келган одамларга, чўлқуварларга осон бўлмаган. Аввал ертўлаларда, кейинчалик капа уйларда яшаб, шўр ва саксовул босган, бўз ерларни ўзлаштиришган, пахта экишган. Кейинчалик мевали кўчатлар, сабзавот экинлари экилган. Одамлар аста-секинлик билан шароитга кўникиб, ўзлари учун бошпана қуришган — Ватан тутишган.

Ўсиб бораётган аҳолини иш билан таъминлаш, турмуш фаровонлигини ошириш муаммоларини ҳал қилиш даврнинг долзарб вазифаси эди. Пахта баҳонасида Мирзачўлга марказдан жуда катта маблағ йўналтирилганда, бу муаммолар ўз-ўзидан ечила борди. Аҳолиси зич ҳудудлардан одамлар Мирзачўлга кўчиб келиб, ишли, уй-жойли бўлди.

Умуман, турли ҳудудлардан оқиб келаётган одамларни иш билан таъминлаб, уларнинг турмуш фаровонлиги оширилиши республиканинг умумий аҳволи яхшиланишига пойдевор бўлди, десак, хато эмас.

### Табиат бўй бергиси келмасди

Қалбида олов ёнган, қийинчиликлардан ҳайиқмайдиган Саттор Усмонов тоғли қишлоқлардан аҳоли Мирзачўлга кўчириб келинган долзарб вақтларда кундуз куни мажлис-йиғилишларга вақт сарфлашни ёмон кўрарди. Бунақа иккинчи даражали ишларни фақат тунда ўтказарди. Шу боис танқид ҳам қилишар, устидан ёзишар, аммо унинг иш принципи шунақа эди.

Ўша маҳалларда шундай қилмаса ҳам бўлмас эди-да! Аввал ертўла ва лотокларнинг тагига қурилган чайлаларга жойлаштирган одамларини уй-жойли қилди. Қайси хўжаликда бўлмасин, манзарали дарахтлар, гуллар эктирарди. Ҳамманинг қўли пахтага боғланган кезларда бунақа ишлар учун раҳбарда қатъият, жасорат ҳам бўлиши керак эди.

Табиат бўй бергиси келмасди. Табиатнинг ана шундай қаршиликларидан бири содир бўлганида, ўзлаштирилган ерларни бир йили бирданига оппоқ қор ёққан каби шўр босди. Ерларни шўрдан ювиш учун оқова сувлар тўпланадиган зовурлар ўша йили ташкил этилди. Режани бажариш учун мушкуллик пайдо бўлди.

Янги ўзлаштирилган ерларда ишлаб, катта тажрибага эга бўлган ва республикада катта обрўга эришган Саттор Усмонов 1976 йилда Жиззах вилоятининг Арнасой туманидаги энг қолоқ 14-хўжаликка раҳбарликка тайинланди. Бу ерда Саттор ака ҳаётида янги саҳифа очилди. Аҳволи жуда оғир, ерлари шудгор қилинмаган, ишчилар кетиб қолган масканда дастлаб ишни ерларни ўрганишдан бошлади. Йўл қурди, янги техникалар олиб келди, ишчиларни таклиф қилди, уларга уйлар қуриб берди, ирригация тизимларини созлашга бош-қош бўлди. Зўрға 4 минг тонна пахта топширадиган жамоа хўжалигини қисқа вақт ичида 14 ярим минг тонна пахта берадиган йирик хўжаликка айлантирди. Эътиборли жиҳати, биринчи теримдаёқ давлат режасини ортиғи билан бажарди.

Саттор Усмонов қишлоқ хўжалиги ишлари билан чекланиб қолмаган. Ташкилий ишларда ҳам фаол бўлган. Сувчи, механизатор каби оддий ходимларни рағбатлантириб, уларнинг меҳнатини қадрлаб, шарт-шароитлар яратиб берди. У одамларга шароит яратиш йўлида ҳар қандай имкониятларни ишга солган. Марказий кўчаларни кенгайтириб, дарахтлар экишга бошчилик қилди.

Хуллас, Саттор Усмонов чўлни ўзлаштириш жараёнида одамларни кўплаб тажрибалар қўллашга ва янгиликлар яратишга ундар эди.

### Юрак шундай ёнса...

Чўл бағрига ариқларда оқизиладиган сув бесамар кетишини пайқаб, лотоклардан фойдаланиш амалиётини ҳам Саттор Усмонов биринчилардан бўлиб қўллаган эди. Арнасой туманидаги фаолияти давомида у академиклар — Т. Саримсоқов, С. Сирожиддинов, А. Аъзамхўжаев, Ў. Орипов, В. Мажидов, М. Шарифхўжаев, Ҳ. Усмонов билан яқин алоқада бўлгани учун бу улуғ зотлар тез-тез хўжаликка бориб туришарди. Ўзбекистон халқ шоири Шукрулло Саттор Усмоновга бағишлаб ёзилган “Ғўза гули” деган шеърида бу ажойиб инсондан олган ҳаяжонли таассуротларини акс эттирган эди. Ўша вақтлардаёқ Саттор Усмоновнинг ҳаёти ва фаолияти “Чўлқуварлар”, Назир Сафаров ва Самар Нуровнинг “Юрак шундай ёнса”, Рашид Берикбаевнинг “Сирдарё области”, “Ожившая легенда”, “Воспоминания ветеранов освоения Голоднойстеп” китобларида акс этган эди.

Саттор Усмонов ўзининг уста деҳқон, кучли ташкилотчи, ер билан тиллашадиган пахтакор эканини исботлади. Янги ерлар очиш, уларни текислаш, каналлар қазиш, лотоклар ўрнатиш, тик ва кўндаланг дренажлар қуриш ишлари авж олди.

Нафақага чиққанидан сўнг ҳам бир умр ташвишларга кўмилиб яшаган Саттор Усмонов тиним нима билмади. 1983 — 1991 йилларда Зомин марказидан 6-7 километрда жойлашган Ўрта Осиё Ирригация ва мелиорация илмий-текшириш институтига қарашли “Пословский” тажриба ишлаб чиқариш хўжалигига раҳбарлик қилди. Адир жойларга сув чиқариш учун хориждан катта ҳажмдаги сув насослари олиб келтирди.

— Республикада аҳоли ўсиб бориб, яқинда 20 миллионга етади, — деган эди Ўрта Осиё Ирригация ва мелиорация илмий-текшириш институти директори, Беруний номидаги Давлат мукофоти лауреати, профессор Виктор Духовний 1987 йилда Саттор Усмоновнинг ҳаёти ва меҳнат фаолияти ҳақида яратилган “Вода течёт в гору” (“Сув тоққа қараб оқади”) номли ҳужжатли фильмдаги интервьюсида. — Уларни иш билан, озиқ-овқат билан таъминлаш муаммолари пайдо бўлади. Томчилатиб суғориш сувни тежаш дегани. “Пословский” хўжалигига Усмонов муносиб эди ва шундай ҳам бўлди. Шўрланишга қарши курашган мутахассис. У доим курашларни севади. Характери оғир. “Бульдозер” дейишади. Қолипга сиғмайди у.

Орадан 36 йил ўтди. Юртимиз нуфуси 20 миллионлик маррани аллақачон босиб ўтди. Ўшанда Саттор Усмонов, Виктор Духовний башорат қилган сув муаммолари юзага чиқа бошлади. Келажакни кўра оладиган бундай мутахассисларнинг ҳаётий тажрибаларини эслаб туриш, ўрганиш эҳтиёжи ҳам шундан келиб чиқади.

### Томчилатиб суғориш кашфиётчиси

Янги технология асосида томчилатиб суғоришни республикада ва Жиззах вилоятида биринчи бўлиб Саттор Усмонов жорий қилди. 10 гектар майдонни ўзлаштириб, узумзорга айлантирди. 20 гектарлик ҳудудда боғ-роғ яратди. Икки-уч йил ичида узум ва боғдорчилик борасида юқори кўрсаткичга эришди. Саттор Усмоновнинг салкам қирқ йил бурун киноленталарда сақланиб қолган сўзлари бор:

“Ўсма кетар, қош қолар. Ифлосликлар кетади, ер қолади. Ҳақиқат шуки, берсанг оласан, бериш орқали бойийсан”, “Иллатни томири билан йўқотиш керак”, “Халқ орасида “Она кўрган тўн бичар, ота кўрган тақа қилар”, деган нақл бор. Яъни ким онасининг қўлида тарбия топган бўлса, у чиройли тўн тика олади. Ким отасининг қўлида тарбия топган бўлса, у отга маҳорат билан тақа қоқа олади”. “Мени эски қадрдонимиз Виктор Абрамович институтга таклиф қилганида: “Саттор ака, сиз чўлларни ўзлаштирган маҳоратли пахтакорсиз. Ўзингизнинг Зомин тоғларида жуда ажойиб, жуда қийин ва мураккаб ишлар олиб борилияпти. Бизга шу ишлар билан шуғуллана оладиган одам керак. Биз кўп ўйлаб кўрдик ва шу тўхтамга келдик”, деди. Мен рози бўлдим...”

Халқимиз “Яхшидан боғ қолади”, деб бежиз айтмаган. Ҳозирги кунда бир маҳаллар Саттор Усмонов сув чиқарган Зомин адирларида яна боғ-роғлар яратиш ишлари давом эттирилмоқда. Бу жойлар давлатимиз раҳбари эътиборида.

### Муқаддас мерос

У гулни севарди. Аммо у пайтлар супадек жой бўлса ҳам пахта экишни талаб этишарди. Саттор Усмонов қайсар феъли билан ўз айтганини ҳам қилдирарди. Сувни тежаб, юртимизда томчилаб суғоришни илк марта йўлга қўйган Саттор Усмонов ана шундай фидойи инсон эди. Қаерда ишламасин, Ўзбекистон деган юртни жаҳонга танитиш орзуси билан яшади. Президентимиз Шавкат Мирзиёев бу ажойиб инсоннинг 90 йиллик юбилейини ўтказишда раҳнамолик қилиб, руҳини шод этганига ҳам, мана ўн йил ўтибди. Вақт — оқар дарё. Саттор Усмонов таваллудига бу йил юз йил тўлди. Шу муносабат билан у ҳақда китоблар ёзиляпти, кўрсатувлар қилиняпти, музей ташкил этиляпти, бюсти тикланиш арафасида. У ҳақда Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ҳузуридаги Кинематография агентлиги буюртмасига кўра “Ҳужжатли ва хроникал фильмлар киностудияси” ДУК томонидан “Зомин бургути” деб номланган ҳужжатли фильм суратга олиниб, якунланиш босқичида.

Саттор Усмоновнинг шогирдлари ҳозир мамлакатимиз миқёсидаги раҳбарлик лавозимларида ишламоқда. У турли миллат ва элат вакиллари ўртасидаги дўстлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашга, уларнинг бир оила фарзандларидай тинч-тотув ва аҳилликда яшаб, меҳнат қилишларига муносиб ҳисса қўшди. Фарзандлари, невара-чеваралари унинг эзгу ишларини давом эттиришга ҳаракат қилишаётир. Ундан уй-жой, бойлик қолмади, оддий одамлардек камтарона яшади, аммо борини халққа берди. Барча эзгу ишлари самарасини элу юрти, халқи учун мерос қолдиркан, шоир айтганидек, қалбини сўнгги ҳужайрасигача ёндириб кетди.

Буни саодатли яшашнинг намунаси, дейдилар.

**Раҳматилла ЖАББОРОВ,**
**Ўзбекистон қирғиз миллий маданий маркази раиси,**
**«Фидокорона хизматлари учун» ордени соҳиби,**

**Шойим БЎТАЕВ,**
**ёзувчи («Халқ сўзи»).**

Реклама

## ИНВЕСТОР ВА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

***Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 майдаги ПҚ-4343-сонли қарорига мувофиқ, шунингдек, ички ишлар органлари ходимлари ва ҳарбий хизматчиларнинг замонавий талаб даражасида ҳамда арзон уй-жойлар қуриш ва бериш ҳисобидан уларни рағбатлантириш ҳамда ижтимоий ҳимоя қилиш даражасини ошириш мақсадида давлатимиз раҳбарининг 2022 йил 8 февралдаги ПҚ-118-сонли қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 11 октябрдаги 865-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида Тошкент шаҳар ИИББ Юнусобод тумани ИИОФМБ Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлими учун хизмат хоналари ҳамда Тошкент шаҳар ички ишлар органлари ходимлари учун кўп қаватли тураржой биноларини «тайёр ҳолда топшириш» шартлари билан давлат-хусусий шериклиги асосида қуриш бўйича инвесторлар ва қурилиш ташкилотлари мутасаддиларини ҳамкорликка таклиф этамиз.***

*Танловда қатнашиш истагида бўлган ташкилотлар вакилларидан қуйидагилар талаб қилинади:*

инвестор ёки қурилиш ташкилотининг низоми ва гувоҳномаси;

инвестор ёки қурилиш ташкилотининг ташкилий тузилиши бўйича маълумот;

инвестор ёки қурилиш ташкилотининг охирги уч йиллик (2020, 2021 ва 2022 йиллар) молиявий ҳолати тўғрисида маълумот (охирги уч йиллик “Ф-1” ва “Ф-2” ҳисоботлари, пудрат шартномалари, объектни фойдаланишга топшириш бўйича нусхаларини илова қилиши шарт);

хизмат кўрсатувчи банк томонидан инвестор ёки қурилиш ташкилотининг қарздорлик мавжуд эмаслиги тўғрисида маълумотнома;

давлат солиқ инспекцияси томонидан инвестор ёки қурилиш ташкилотининг қарздорлиги мавжуд ёки мавжуд эмаслиги тўғрисида маълумотнома ҳамда ишчи-ходимлари тўғрисида маълумот (солиқ ҳисоботида кўрсатилган ишчилар сони “миллий меҳнат уз” базасига тўғри келишини исботловчи ҳужжатларни илова қилиши шарт);

инвестор ёки қурилиш ташкилотининг моддий-техника базаси ҳамда қурилиш техникаси ва кичик қурилиш механизмлари тўғрисида маълумот (техник паспортларнинг нусхалари бўлиши шарт);

қурилиш режалаштирилган ҳудудга лойиҳа таклифи (бош режа, фасад, қаватлар режаси, 3D кўринишда);

қурилиш ишларини олиб бориш, қурилиш муддатлари ва шартлари кўрсатилган тармоқ режаси (тасдиқланган кўринишда);

қурилиши режалаштирилаётган кўп қаватли тураржой биноларидаги хонадонларнинг энг камида 50 фоизини ички ишлар органлари ходимлари ва ҳарбий хизматчилар учун имтиёзли арзонлаштирилган нархларда сотиш бўйича ҳисоботи (тижорат таклифи);

лойиҳаланаётган кўп қаватли тураржой биноси жойлашган ҳудудда қўшимча равишда алоҳида трансформатор, автомобиллар тураржойи, чиқинди ташлаш жойи ҳамда болалар майдончаси бўлиши шарт;

таклиф учун лойиҳаланаётган кўп қаватли тураржой биносининг қаватларини ер майдони жойлашган туман бош архитектори билан маслаҳатлашган ҳолда келишиши лозим.

Мазкур шартлар бўйича ҳамкорлик қилиш истагидаги инвестор ёки қурилиш ташкилотлари 2023 йилнинг 20 сентябрь кунига қадар танлов юзасидан қўшимча маълумот олиш учун қуйидаги манзилга мурожаат қилишлари мумкин:

**Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Содиқ Азимов кўчаси, 87-уй, Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси.**
**Телефон: 71-206-44-08.**

**Қурилиши режалаштирилаётган объект манзили:**
**Тошкент шаҳрининг Юнусобод туманидаги 4-мавзеда жойлашган ИИББ тасарруфидаги умумий ҳажми 5783 м² (0.57 га) бўлган бўш ер майдони (Юнусобод тумани ИИОФМБ Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлими ҳудуди).**

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 841. 32 345 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона 71-259-74-51; котибият 71-259-74-53; эълонлар 71-259-74-55.*

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

МАНЗИЛИМИЗ:
100066,
Тошкент шаҳри,
Ислом Каримов кўчаси, 55-уй.

Навбатчи муҳаррир — Р. Шеркулов.
Мусаҳҳих — С. Исломов.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 23.45 Топширилди — 00.50 1 2 3 4 5 6